Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 117 (5708).
23 МАЙ 1985 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

КОММУНИСТЛАР — МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМИ

СТАХАНОВЧА СУРЪАТ

Тошкентдаги «Ўзбекхлопкомаш» заводи цехларида агитаторлар стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига бағишлаб суҳбатлар ўтказдилар. Корхона ветерани, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Тимофей Ильич Игумнов номи ишлаб чиқариш илғорлари, биринчи беш йилликларнинг қаҳрамонлари бошлаб берган зарбдор меҳнат эстафетасини муносиб давом эттираётганлар қаторида тилга олинди. У «Бир беш йилликда — икки беш йилликни бажарамиз» шиори остида авж олиб кетган социалистик мусобақанинг корхонадаги кўп станокчилар ҳаракати ташаббускорларидан биридир.

Тимофей Ильич заводда салкам ўттиз йил ичида исталган станокда ишлашни мукаммал ўрганиб олди. Ўнлаб шогирдларига юксак маҳоратни, турдош касбларни ўргатди. Кўп йиллардан буён бригадага бошчилик қилмоқда. Унинг коллективидаги ҳар бир ишчи иккита ўрнига уч-тўрттадан станокка хизмат кўрсатиб, ҳар куни пахта тозалаш машиналари учун нормадагидан бир ярим-икки баравар кўп деталь тайёрлайди. Тимофей Ильич завод парткомининг аъзоси сифатида ёшларни кекса авлодларнинг шонли анъаналари руҳида тарбиялашга катта эътибор беради. Меҳнат шуҳрати байрамларини ўтказишда, бўлажак юбилей шарафига авж олиб кетган социалистик мусобақа ғолибларини шарафлашда фаол қатнашмоқда.

Т. Игумнов бригадаси КПСС XXVII съездини юксак ишлаб чиқариш натижалари билан кутиб олмоқда. Бригаданинг иш календарида ҳозир 1989 йил якунланмоқда.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МУҲИТИДА

21 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан Ҳиндистон Бош министри Ражив Гандининг музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри С. Л. Соколов, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов;

Ҳиндистон томонидан — молия министри В. П. Сингх, Ҳиндистон ташқи ишлар министрлиги сиёсий планлаштириш комитетининг раиси Г. Партхасаратхи, давлат энергетика министри А. Неру, Бош министрнинг парламент ишлари билан шуғулланувчи секретари А. Сингх, Бош министрнинг парламет ишлари билан шуғулланувчи секретари О. Фернандес қатнашдилар.



Музокаралар пайти.

Дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик муҳитида ўтган музокаралар чоғида Совет — Ҳиндистон муносабатларининг энг муҳим масалалари, шунингдек актуал халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг мустаҳкам негизида муваффақиятли ривожланаётган Совет — Ҳиндистон муносабатларининг юксак даражаси, самарадорлиги ва ҳар томонлама характери хусусида чуқур мамнуният изҳор этилди. Иккала томон ҳар икки мамлакат халқларининг фаровонлиги ва яхши тинчлик манфаатлари йўлида шу муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган муттасил куч-ғайратларни бундан буён ҳам давом эттираверишга интилишини тасдиқлади.

М. С. Горбачев билан Р. Ганди Ҳиндистон Бош министрининг ушбу визити давомида имзоланадиган ҳужжатлар — 2000 йилгача савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битим ҳамда Ҳиндистонда бир қанча конкрет объектларни барпо этишдаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик ҳақидаги битим ССРР билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун принципиал аҳамиятга эга бўлишини уқтириб ўтдилар. Бу битимлар самимий дўстлик ришталари орқали боғланган икки улуғ давлат ўзаро алоқаларининг янги уфқларини очиб беради.

Дунёдаги аҳволни муҳокама қилиш пайтида халқаро кескинлик сақланиб қолаётганлигидан, қуролланиш пойгаси, айниқса ядровий қуролланиш пойгаси тўхтовсиз давом этаётганлигидан, бу пойганинг космик фазога ёйилиши хавфи ошаётганлигидан ташвиш изҳор этилди. Иккала томон ҳар икки мамлакат халқларининг фаровонлиги ва яхши тинчлик манфаатлари йўлида шу муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган муттасил куч-ғайратларни бундан буён ҳам давом эттираверишга интилишини тасдиқлади.

Музокараларнинг қатнашчилари қуролланиш пойгасини тўхтатиш тўғрисидаги, қуролсизланиш ҳақидаги музокаралардан оммавий қирғин қуроли запасларини янада кўпайтиришни ниқоблаш учун фойдаланиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни кескин қораладилар.

Совет томони олти мамлакат давлат ва ҳукумат бошлиқларининг пировард натижада ядро қуролини инсоният турмушидан соқит қилишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Осиё — Тинч океан регионидаги жуда кенг зоналарни «ўз ҳаётий манфаатлари соҳалари» деб эълон қилган империализм кучларининг экспансиячилик сиёсати натижасида шу региондаги кескинлик кучайиб бораётганлигидан хавотирлик билдирилди, ҳарбий базалар кенгайтирилиши ва АҚШ қуролли кучлари кўпайтирилиши натижасида Ҳинд океани ҳавзасида жуда хатарли вазият сақланиб қолаётганлиги қайд этилди. СССР билан Ҳиндистон Жанубий-Ғарбий Осиё мамлакатларининг ички ишларига ташқаридан аралашувга қарши чиқаётганликлари, бу ердаги аҳволни шу регион давлатларининг суверен ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ялпи тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ҳеч кечиктириб бўлмайдиган сиёсий йўл билан изга солиш ишини қўллаб-қувватлаётганликлари уқтириб ўтилди.

Жанубий-Шарқий Осиёдаги аҳвол ҳақидаги фикрлашувлар чоғида музокараларнинг қатнашчилари шу ерда жойлашган мамлакатлар ўртасидаги амалий мулоқот, мавжуд проблемаларни тинч йўл билан ўзаро мақбул тарзда ҳал этиш йўлларини қидириш — аҳволни изга солишнинг бирдан-бир оқилона йўли эканлигига ишонч билдирдилар. Совет томони Ҳиндистон билан Ҳинди-Хитой давлатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари Жанубий-Шарқий Осиёдаги вазиятга хайрли таъсир ўтказаётганини таъкидлади.

Марказий Америкадаги вазиятни кўриб чиқиш пайтида ўз ватани мустақиллигини ҳимоя қилиш учун курашаётган Никарагуа халқини қўллаб-қувватлаш барча антиимпериалистик ва тинчликсевар кучларнинг муҳим вазифаси эканлиги таъкидланди.

Иккала томон дунёдаги вазиятни соғломлаштириш соҳасидаги ялпи куч-ғайратларда, империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка, ирқчиликка ва апартеидга қарши курашда қўшилмаслик ҳаракатининг роли ошиб бораётганлигини мамнуният билан уқтирди. М. С. Горбачев Ҳиндистоннинг қўшилмаслик ҳаракати бирлигини мустаҳкамлашга ва унинг халқаро салмоғини оширишга катта ҳисса қўшаётганлигини юқори баҳолади ҳамда шу ҳаракатнинг энг обрў-эътиборли раҳбарларидан бири ва ҳозирги раиси бўлмиш Ҳиндистон тинчлик, қуролсизланиш, ядро урушининг олдини олиш учун, империализмнинг агрессив муддаоларига қарши курашда бу ҳаракатни янада активлаштиришга бундан буён ҳам кўмаклашаверади, деб ишонч билдирди.

Р. Ганди Совет Иттифоқининг тинчликсевар амалий сиёсати ҳозирги халқаро шароитда халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб турганлигини уқтириб ўтди; у Совет Иттифоқининг қуролсизланиш проблемаларини ҳал этишга ва халқаро вазиятни соғломлаштиришга қаратилган ташаббусларини ижобий баҳолади.

Музокараларнинг қатнашчилари олий даражадаги мунтазам алоқаларнинг иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ишонч муносабатларини мустаҳкамлашнинг муҳим қуроли сифатидаги принципиал аҳамиятини таъкидладилар. Бундай алоқалар дўстона муносабатларнинг бутун комплексини бундан буён олға силжитишга қўмаклашиши, СССР билан Ҳиндистоннинг ялпи тинчлик ва хавфсизликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашдаги куч-ғайратлари таъсирчанлигини оширишга уқтириб ўтилди. Р. Ганди М. С. Горбачевни ўзи учун қулай вақтда дўстлик визити билан Ҳиндистонга боришига қилинган таклифни яна такрорлади. Таклифнома миннатдорчилик билан қабул қилинди.

М. С. Горбачев ва Р. Ганди ўртоқларнинг нутқлари бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ЧССР Президенти Густав Гусак Чехословакия Социалистик Республикаси Бош министри Ражив Ганди билан суҳбатлашди.

Ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган суҳбат чоғида Совет-Ҳиндистон муносабатлари ва халқаро аҳволнинг баъзи масалалари юзасидан фикрлашувлар давом эттирилди.

(ТАСС).

М. С. Горбачев Ражив Ганди билан суҳбатлашди

22 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Ҳиндистон Республикаси

тонгги газеталарда

Совет раҳбарлари 21 май куни Катта Кремль саройида Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Р. Ганди шарафига зиёфат бердилар.

Р. Гандига ҳамроҳ бўлиб келган Ҳиндистон давлат арбоблари ҳам зиёфатда иштирок этдилар.

Совет томонидан зиёфатда М. С. Горбачев, Н. А. Тихонов, А. А. Громико, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, И. В. Архипов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев зиёфатда нутқ сўзлади.

Р. Ганди жавоб нутқи сўзлади.

ҲУШЁРЛИК — ҲАЁТ НОРМАСИ

«Тошкент трактор заводи» бирлашмаси 26-механика-йиғув цехи коммунистлари, ишчилари 22 май куни бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида худди шундай дедилар. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш чоралари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан цех партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Завод коммунистлари, барча ишчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг ичкиликбозлик каби хавфли социал иллатни таг-туги билан тугатишга қаратилган қарорларини ва СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини қизғин маъқуллаб кутиб олганликлари йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Партия ва жамоат ташкилотларининг ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишлари кучайтирилганлиги туфайли заводда беш йиллик бошидан буён прогуллар сони 3,5 баравар, жамоат тартибини бузиш ҳоллари деярли беш баравар камайди. Бунда цех партия ташкилотининг ҳам роли катта бўлди.

Бироқ йиғилишда сўзга чиққан майда чўян деталлар участкасининг бригадири А. Мамиров, слесарь А. Апекишев, слесарь, цех комсомол бюросининг аъзоси А. Турсунов ва бошқалар ҳотиржамликка берилиш мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтдилар. Шу йилнинг тўрт ойи давомида цехда ўн бир киши прогул қилди, уларнинг айби билан 33 киши куни йўқотилди. Меҳнат интизомини бузувчиларгина эмас, прогул қилмасалар ҳам алкоголли ичимликларни суиистеъмол қилиб цехга бош оғриғи билан келаётганлар ҳам ишлаб чиқаришга зарар етказмоқдалар. Бундай кишиларда меҳнат унумдорлиги ва бажариладиган иш сифати пасайиб кетади. Уларнинг айби билан кўпинча ускуналар, асбоблар синиб қолмоқда, материаллар бузилмоқда. Бундай кишилардан умумий иш, бутун коллектив зарар кўрмоқда.

Ичкиликбозларга нисбатан фақат тарбиявий чоралар кўрибгина қолмай, қаттиқ маъмурий чораларни ҳам кўришни йиғилиш қатнашчилари талаб қилиб чиқдилар. Бу ўринда ишчиларнинг ўзлари ҳам, бригадалар ҳам кўп иш қилиши лозим. А. Мамиров ўз нутқида шундай мисолни келтирди: фрезерчи Бикбулатов прогул қилди. Унинг бу хатти-ҳаракатини бригада муҳокама қилиб, икки ойга унинг меҳнатда иштирок этиш коэффициентини 0,5 гача камайтиришга, квартал мукофотидан тўла маҳрум этишга қарор қилди. Интизомни бузувчи бу сабоқни узоқ вақт ёддан чиқармайди.

Йиғилишда оилада ичкиликбознинг борлиги болалар учун ҳам ва бутун оиладагилар учун ҳам фожиа эканлиги ҳақида гапирилди. Одатда, ичкиликбозлик оиланинг бузилиб кетишига олиб келади. Афсуски, бундай ҳоллар юз бериб турибди.

— Орамизда ичкиликбозлар ва алкоголиклар бўлмаганда эди, кўпгина оилалар енгил нафас олган, қанчадан қанча болаларнинг чеҳрасида табассум пайдо бўлган бўлур эди, — деди цех партгруппаси ташкилотчиси, парималовчи Р. Муслимова. — Биз кураш олиб боришимиз лозим бўлган инсоний омил, асосий резерв ана шундан иборат.

Йиғилишда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берилди, цехда эса ёшлар 200 кишидан ҳам кўп. Улар орасида ишлаб чиқариш илғорлари, зарбдорлар бор. Бироқ асосли равишда ичкиликбоз ва прогулчи, деб аталаётганлар ҳам бор. Коммунистлар ёшлар билан иш олиб боришда кўпроқ маҳорат кўрсатиш, бўш вақтни қандай ўтказиш масалалари билан чуқурроқ шуғулланиш, ётоқхоналар ёнида спорт майдончалари, уй-жой микрорайонида эса маданият саройи қурилишини тезлаштириш, дам олиш зонасини кенгайтириш зарурлиги тўғрисида гапиридилар.

Цех коммунистлари қабул қилган қарорда ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтиришнинг, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашнинг конкрет тадбирлари белгиланган. Бу тадбирларни амалга ошириш умумий ишдир. Бироқ бу аввало, ичкиликбозлик иллатига қарши курашда муросасиз бўлиш намуналарини кўрсатиши, ичкиликбозликни бартараф қилишда актив позицияда туриши лозим бўлган коммунистларнинг ишидир.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

● ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ АПРЕЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛМОҚДАЛАР

ПАРТИЯ КУЧЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР КЎРИГИ

Кеча Акмал Икромов, Октябрь ва Ҳамза район партия комитетлари пленумлари бўлиб ўтди. Уларда КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми якунлари ва партия XXVII съездига тайёргарлик юзасидан район партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама этилди. Докладлар ва нотиқларнинг сўзларида шу нарса таъкидландики, КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорлари ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнат коллективи томонидан зўр қониқиш ва катта масъулият туйғуси билан қабул қилинди.

Пленумларнинг қатнашчилари ишларнинг аҳволини ўз-ўзини танқид руҳида, юксак талабчанлик позициясидан туриб таҳлил этдилар, жонажон партиямизнинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун яқин келгусидаги конкрет йўлларни белгилаб олдилар. Буларнинг ҳаммаси, деб таъкидлашди улар, фидокорона меҳнат қилишни, партия комитетларининг ташкилотчилик ишларни янада кучайтиришни талаб этади.

Барча пленумларда КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорларини амалга ошириш бўйича коммунистларнинг етакчилик роли таъкидланди, навбатдаги ҳисобот-сайлов кампанияси партия кучларининг жанговар кўриги бўлмоғи кераклиги уқтириб ўтилди.

СОВЕТ — ҲИНДИСТОН ҲУЖЖАТЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

22 май куни Кремлда Совет-Ҳиндистон ҳужжатлари имзоланди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев билан Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Р. Ганди: Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битимни;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Битимларни имзолаш пайтида:

Совет томонидан— Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, В. П. Никонов, К. В. Русаков, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. И. Марчук, бир қанча министрликлар ва идоралар-нинг раҳбарлари, бошқа расмий кишилар;

Ҳиндистон томонидан — молия министри В. П. Сингх, Ҳиндистон ташқи ишлар министрлиги сиёсий планлаштириш комитетининг раиси Г. Партхасаратхи, энергетика давлат министри А. Неру, Бош министрнинг парламент ишлари билан шуғулланувчи секретарлари А. Сингх, О. Фернандес, Ҳиндистоннинг бошқа давлат арбоблари ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

КИТОБ ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ХИЗМАТИДА

Совет Иттифоқи, бошқа социалистик давлатларнинг ёрдами туфайли Вьетнам қисқа муддат ичида нашриёт ишини изга солиб олишга муваффақ бўлди. Қардош мамлакат китобларининг Тошкентдаги СССР халқлари дўстлиги музейида очилган кўргазмаси шундан яқкол далолат беради. Кўргазма Совет Иттифоқида ўтказилаётган ВСР маданияти кунлари доирасида ташкил этилди.

Экспозицияда Вьетнам Социалистик Республикасидаги қарийб қирқта нашриёт маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Бу нашриётлар ҳозир 2000 номда 40 миллион нусхадан кўпроқ китоб нашр этмоқда. Кўргазмага келувчилар ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий, бадиий адабиётлар, махсус нашрлар билан танишадилар. Стендларда В. И. Ленининг 55 томли тўла асарлар тўплами, марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, совет ва қардош социалистик мамлакатлар авторларининг асарлари қўйилган.

Кўргазмага қўйилган китоблар В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети кутубхонасига туҳфа қилинади.

● МАДАНИЯТ ХАБАРИ

АТОҚЛИ АДИБНИ ҚУТЛАБ

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг қўлёзмалар институти, Алишер Навоий номли адабиёт музейи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, атоқли адиб Ўйғун таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан шеърият кечасини ўтказдилар. Филология фанлари докторлари А. Қаюмов, Х. Расулов ва бошқалар Ўйғун ижодининг катта тарбиявий аҳамияти, унинг ўзига хос қирралари ҳақида гапирдилар. Шу муносабат билан адабиёт музейида ташкил этилган махсус янги кўргазма шеърият қатнашчиларида завқли таассурот қолдирди.

Х. ШАМСИЕВА.

КЕЛАЖАК ТЕХНИКАСИ УЧУН

Ҳозир дунёда ҳосил қилинаётган энергиянинг қарийб учдан бир қисми ишқаланиш кучини енгишга сарфланмоқда. Натижада техника унинг потенциал имкониятларидан фойдаланилишига қараганда анча барвақт ишдан чиқмоқда. Капитал ремонт ва амортизация ажратмалари учунгина ҳар йили юз миллиардлаб сўм маблағ сарфланмоқда. Ана шу жуда муҳим проблемани ҳал этиш йўллари «Ишқаланиш, едирилиш, ва сурков материаллари» мавзуидаги халқаро конференция қатнашчиларининг диққат-марказида турибди. Конференция 22 май куни Тошкентда ўз ишини бошлади.

СССР Фанлар академияси Механика проблемалари институтининг директори, академик А. Ю. Ишлинский конференцияни очиб, доклад қилди.

Анжуман ишида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг, ривожланган капиталистик мамлакатларнинг таниқли олимлари қатнашмоқдалар. Едирилишга чидамлилик, ишқаланиш чоғидаги физик-химиявий ва механик жараёнларни ўрганиш, самарали сурков мойларини ишлаб чиқиш, ион ва лазер ёрдамида ишлов бериш асосида материаллар яратиш проблемалари муҳокама қилинмоқда. Олимлар тажрибани ўртоқлашадилар, бир-галикдаги тадқиқотларнинг мавзуларини белгилаб оладилар.

(ЎзТАГ).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

Тошкентдаги енгил саноат корхоналарида Москвада бўладиган Жаҳон ёшлари ва студентларининг халқаро фестивалига атаб совға буюмларини тайёрлаш қизғин паллага кирди. Республика либослар моделлари уйи, трикотаж моделлари уйи, Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси, пойафзал фабрикаси, чинни буюмлари заводи, кўн-галантерея ва спорт буюмлари, «Малика» бирлашмаси ва бошқа корхоналарда 63 хил намунада фестиваль эмблемаси туширилган буюмлар тайёрланмоқда. Республика енгил саноат министрлиги бўйича шу кунга қадар 400 минг сўмликка яқин фестиваль совғалари тайёрланди.

●

Республика атеизм уйининг лекторлари шаҳримизнинг «Тинчлик», «Мевазор», Охунбобоев, «Ҳақиқат» маҳаллаларида бўлдилар. Уларнинг суҳбатлари партия ва ҳукуматимизнинг ичкиликбозликка қарши қабул қилган қарори, янгича урф-одатларга бағишланди. Улар маҳаллалар аҳолисининг кўпгина саволларига жавоб қайтардилар.

●

Республика кино уйида «Ўзбекистон олимларининг озиқ-овқат программасига қўшаётган ҳиссаси» конференсия иш бошлади. Тошкентдаги бир қатор илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари ва мутахассислари қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш борасида тадбиқ этилаётган комплекс программалар ҳақида гапириб бердилар.

●

Киров районининг Юнусобод массивида янги маиший хизмат уйининг эшиклари очилди. Бу ерда аҳолига бир неча хил маиший хизмат кўрсатиш ишлари бошланди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 26 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 16—18, эртага кундузи 22—24 даража иссиқ бўлади.

ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ЎТ ОЧАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари-ҳаётга

● БАДМАСТЛИК — АҚЛДАН АЙИРАДИ

● ЖИНОЯТ — МАЙХУРЛИКДАН БОШЛАНАДИ

● МАСТЛИК — ИХТИЁРИЙ ТЕЛБАЛИК

● АЛКОГОЛЬ — ИСТИҚБОЛ ДУШМАНИ.

«Совет кишиларининг жуда кўпчилиги спиртли ичимликни истеъмол қилиш катта иқтисодий ва маънавий зиён етказиши, унга жамиятимиз турмушида тоқат қилиб бўлмаслиги хусусида якдилдирлар. Улар марказий ва маҳаллий органларга ёзаётган хатларида ичкиликбозликни, алкоголизмни ва самогон қилишни таг-туби билан тугатиш юзасидан амалий чоралар кўришни талаб қилмоқдалар».

(КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).

Меҳнат ва бахт эгизак. Бизда ҳар бир инсон бахтини меҳнатдан топади, бунинг учун жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимиз барча шарт-шароитларни, имкониятларни тўла-тўкис яратиб қўйибди. Лекин ҳаёт оғуси, умр заволи — ичкиликка ружу қўйган кимса меҳнат нашъасини ҳам, ҳаёт мазмунини ҳам билмайди, бахт-саодат тополмайди. Ана шунинг учун ҳам бахтли замонамизга, гўзал турмуш тарзимизга ёт бўлган зарарли одатларга, жумладан ичкиликбозликка қарши ўт очмоқдамиз. КПСС Марказий Комитетининг Снёсий бюроси яқинда ўз мажлисида меҳнаткашларнинг марказий ва маҳаллий органларга келаётган кўпдан-кўп таклифларини ҳисобга олиб, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш тўғрисидаги масаланы ҳар томонлама муҳокама қилди.

Куни-кеча матбуотда КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида», СССР Министрлар Советининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш, самогон қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари эълон қилинди. Бу ҳаётий ҳужжатларда ичкиликнинг социал-маънавий зарари, одамлар саломатлигига ва турмуш тарзига ғоят зарарли эканлиги, бу ёмон сарқитга барҳам бериш чора-тадбирлари аниқ-равшан белгилаб берилди.

КПСС Марказий Комитети бу хунук ҳолга барҳам беришни катта снёсий аҳамиятга молик социал вазифа деб билиб, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш, уни жамиятимиз ҳаётидан чиқариб ташлаш соҳасида йирик социал-снёсий, иқтисодий, маъмурий, медицина тадбирларни ҳамда бошқа чора-тадбирлар комплексини маъқуллади. Ичкиликбозликка қарши кураш тадбирларини изчиллик билан амалга оширии, шу мақсадда давлат ва хўжалик органларининг, партия ва жамоат ташкилотларининг кучғайратларини бирлаштириш ҳамда уларни доимо мувофиқлаштириб бориш, алкоголизмга қарши пропагандани кенг кўламда авж олдириш зарурлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бизнинг фаровон ҳаётимизга ёт бўлган ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашиш масаласи Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари материалларида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ҳаёт оғуси — ичкиликбозликнинг зарари, унинг замонамизга, турмуш тарзимизга ёт иллат эканлиги ҳақида редакциямизга шу кунларда келаётган кўплаб хатлар ҳам мана шу ҳунук одатга қатъий курашиш лозимлигидан далолат бериб турибди. Қуйидаги материалларда ана шулар ҳақида фикр юритилади.

Ҳа, биродар, эрталабдан таъбинг айниган кўринади! Уйлар тинчми! Бола-чақалар соғ-омонми! Кўзларинг шишибди ёки тунда уйқинг бузилдими!

Менга қара, нега кўзингни олиб қочяпсан! Э, ҳа-а!! Гап бу ёқда дегин...

«Кеча бир оз кўпайиб кетибди». Кўрнишингдан бир оз эмас, дурустгина «олган»га ўхшайсан. Сезяпман, бошинг—тошдек, кўнглинг— беҳузур, оғзинг — тахир. Каратсан. Шу қадар ичишнинг не зарурати бор, биродар!

«Дўстлар билан учрашиб қолгандик, шунга...»

Кўнгилга яқин биродарлар билан дийдор кўришганга не етсин! Аммо шу аҳволга тушгудек ичилган жойда мароқли гурунг бўлганига ҳам шубҳам бор-да.

«Мириқиб ўтиришдик. Бир маҳал қарасам ёлғиз қолибман. Уйга ярим тунда қайтдим».

Биродар, кўнглингга оғир олма. гину, кейинги пайтда ана шундай мириқиб ўтиришларни кўпайтириб юбораётганга ўхшайсан. Нима, туриш-турмушингдан норозимисан! Ишинг юришмаяптими! Айт, дилингни ёз, бегона эмасмиз-ку, ахир!

«Кўпайиб кетаётганн йўқ. Ҳафтада бир-икки, бирон сабаб бўлса...»

Уч-тўрт марта дегин!

Менн тўғри тушунгин-у, мана шу гапингни ароқхўрлик асорати дейиш мумкин. «Нега!» дейсанми!

Биродар, ҳамон суҳбатга киришдикми, гапни бир бошдан бошлайлик.

Спиртли ичимлик таъмини тотмаган кезларинг ёдингдами! Усмирлик кезларинг унда-бунда катталар даврасида қадаҳ тўқиштиришларни, ёқимли тилаклар айтишларни кўрдинг. Ёшлигинг учун сенга қадаҳ узатишмади, узатишган тақдирда ҳам ўзингни тийдинг, бир чеккаси ичиш одобдан эмаслигини биларднинг. Биларднинг-у, «одобдан бўлмаса нега катталар ичишади!»— деб ўйлаб кўрмасдинг. Чунки, сен ҳали ичкилик таъмини тотиб улгурмасингданоқ тантаналн равишда ичишларга кўникиб қолгандинг. Ўша кўр-кўрона кўникиш асносида бир оз улғайгач, ичиш мумкин деган фикр хаёлингга муҳрланаверди.

Ниҳоят, навбатдагн эмёфатлардан бирида «Йигит киши барн бир ичади-да» деб ўртага олишдн. Қўлингга тутқазилган қадаҳдан бир қултум ютиндинг.

Шу бир қултум «кучи»дан тўсатдан улғайиб қолганингни сезганинг яхши, бироқ унинг иллати ҳам бор, яъни ўша дақиқада ўзингни маълум даражада ичишга ҳақли деб ҳисоблай бошладинг. Бинобарин, ичиш оддий ҳодисага айланди, кези келганда «бир қултумнинг миқдорн ортаверди.

Лекин бир нарса аниқ: сен «ҳамма катталар ичади-ку» деган ақндага бўйсунмб, шу зарарли одатга кўникдинг ҳамда кам-кам ва сурункасига ичишга одатландинг!

Одатдек даҳшатли золим йўқ, одам токи одатларга қарши туролмас экан, у эркин бўлолмайди.

К. БОУВИ.

Аянчли жойн шундаки, сен нафақат ичишдек ярамас одатга, балки охир-оқибат ўз эркингни ихтиёрий равишда бўғиш, инсонийлик қадр-қимматингни поймол этиш одатига бўйин эга бошладинг.

«Ўзимга знён етказадиган даражада ичмаяпман-ку».

Биродар, ичкиликнинг знёни ҳақида гапирмай турнб, мастлик ҳолатнинг ўзи нима эканини келишиб олайлик.

Спиртли ичимлик таркибидаги алкоголь ҳазм йўлидан дарҳол қонга сўрилади ва бош мия ҳужайраларига таъсир этиб, биринчи навбатда диққат ва ўз-ўзини назорат қилиш марказларини фалажлайди. Дастлабки қадаҳ кучидан қон томирлари кенгаяди. Қоннинг ҳаракатланиши тезлашади ва алкоголь мия, юрак, жигардан тортиб то тўқималаргача етиб боради (биринчи қадаҳдан сўнг, «Ўҳ, миядя урдн-я!» деб лабингни чапиллатиб қўйганингда «ичкари»да худди шу жараён кечаётган бўладн).

Аъзоп баданингда шунақа ўзгаришлар бот-бот такрорланаверишини наҳотки ўзинг учун безиён деб биласан, биродар!! Ё бўлмаса уннинг маънавий асоратини ҳеч ўйлаб кўргансанми!

Биродар, мен сенинг истеъдодингга, ўз касбинг орқали одамларга кўп наф бера олишингга шубҳа қилмайман. Лекин ичкиликка ружу қўйганинг сайин ноёб истеъдодинг ўтмаслашаётганини, меҳнатчанлигинг сустлашаётганини очиқ айтмасам дўстликдан эмас!

Узинг мулоҳаза қилиб кўр: қандайдир муносабат юзасидан уюштирилган знёфатда ичишга тўғри келди. Дастлабки қадаҳдан кейинги алдоқчи оғуга учиб яна ва яна ичша бўшатдинг. Демак, ўша кунн, ҳатто эртасига ҳам сен тўла куч билан ишлай олмайсан, яъни камида икки кунинг беҳуда сарфландн. Ичкилик туфайли кунлар кетидан кунларни фаолиятсиз ўтказиш ўз умрингни ҳавога совуриш эмасмн!

Оқибат-чн, оқибат! Фаолиятсизлик истеъдоднинг емирилиши хизмат бурчингни уддалай олмаслигингга, бу эса шахс сифатида қадр-қимматингни йўқотишга олиб келади.

Не-не истеъдодли ва забардаст шахслар ичкилик туфайли нобуд бўлдилар.

И. ПАВЛОВ.

Ичкиликда меъёрни унутган кишилар суҳбатини эслагин. Оғир ботмасин-у, биродар, мисолни ўзингдан олайлик.

Айни «кайфинг чоғ» онларингда фикрлаш доиранг, суҳбатинг мавзуи жуда-жуда тор бўлади: иш жойингдагн обрўйинг, хотин ва болаларингнинг сенга муносабатн, баобрў таниш-билишларинг борлиғинн ўн, юз марталаб такрорлайверасан. Ҳатто шу қадар тубанлашасанки, нима сабабдан ичганингни хотинингга асослн важ қилиб кўрсатиш учун минг бир хийла ўйлаганингни, улфатчилик кайф-сафога берилиб арзанда қизинг ўн ёшга тўлишн шарафига уйда тузилган мўъжаз дастурхонни унутганингни, шпракайф бўлиб борганингни, хотининг ётоқ бўлмасига йўлатмаслигинн... жуда гап тополмасанг, кеча қаерда, кимлар даврасида неча шиша ноёб ароқ ичиб, қандай овқатлар тановул қилганингга ўзгача бир фахр-нфтихор билан, аслида ўта бачаналик билан ҳикоя қиласан.

Орамизда қолсин-у, биродар, шундай дамларда сендан жирканаман. Айни вақтда қадр-қиммат гадоси бўлиб қолаётганингни, мастликдагн ўша алжирашларинг билан гўё ҳамон иззат-обрўйинг борлигини исботлашга беҳуда урнналётганингни кўриб қолингга ачиниб кетаман. Афсуски, ичкиликбозлик — ўз қадрини ерга бўлғаш, уни тайнн-нотайнн сўзлар билан тиклашга уриниш эса —жоҳилликдир.

Мастлик—ақлдан озиш машқидир.

ПИФАГОР.

Эрталаб карахт уйқудан уйғонгач, кеча қаерда, кимлар билан ошначилик қилганингни сира кўз олдингга келтирасанми! Шошадош жўраларингга қанақанги «пурҳикмат» гаплар айтганингни бирон марта эслашга уриниб кўрганмисан! Тасаввур қиламан: ҳали «виждон», «ўз-ўзингни тергаш» туйғуларинг тамом ўлмаганлигидан кечаги бачкана қилмишларинг учун ич-этингни кемира бошлайсан. Бошлайсан-у, дарров, «Э, мастлик-да, айби йўқ» деб ўзингга таскин берасан.

Ҳа, ўйланиб қолдинг, бирон нарса демоқчимисан!

«Менинг дардларим бошингга тушса, кўрардик аҳволингни!»

Дардингни олай, биродар. Умр. гузаронликни айтмоқчнсан-да! Ёхуд ундан юксакроқ дардларинг борми!

Дард ҳам орзу. Агар орзуларга шу қадар бой бўлсанг садағанг кетай. Орзуларинг ушалишида елкадошинг бўлай. Аммо сен ўша орзулар йўлидаги курашларга дош бера оласнанми! Ўнта сархуш йўлдошдан бнтта тнйрак дўст афзал, биродар.

Модомики, ҳаётнинг моҳнятн, қизиғи кундалик ташвишлар замирида экан, нега энди сен уларни енгиш сари боришдан ўзингни четга тортмоғинг керак! Аламни ичкиликдан олиш ташвишлар устига ташвиш қўшса қўшадики, уни асло озайтирмайди. Дард-ташвишлар баҳонасида ўзингни оқлашга урнняпсан, биродар. Бу ҳам ўзгаларни, ҳам ўзингни алдашдан бошқа гап эмас.

«Ҳарқалай бошқаларга знённим тегмаяпти-ку».

Мутлақо хато. Ҳар сафарги мастлигинг неча-неча асабларни қақшатишинн ҳисоблашнинг имконн бўлганида эди!!

Оқшом сенга пешвоз чиқиб дарвозани очган жуфти ҳалолинг кўзида хавотир: «Эрим соғми-нчгаммн!» Уйга кириб улгурмасингдан дераза тирқишидан мўралаётган жажжи ўғил-қизларинг кўзларида ҳадик: «Дадамиз маст эмасмилар!!»

Эрталаб ишга етиб келдинг. Ҳамкасбларинг ер остидан шуб. ҳали назар ташлашди: «Кеча ичмаганмикан, ишқилиб!!»

Биродар, лоақал ана шу кўзлардаги илтижо, ўтинч, қолаверса нафратларни пайқаганмисан! Наҳотки, ўша нигоҳлар сенн хушёр торттирмаётган бўлса!!

Тинч-тотув турмуш қурнш орзусида бармоғингга никоҳ узугини таққан аёлингда, сен туфайли дунёга келган фарзандларингда, қолаверса тақдир тақозосида сен билан ёнма-ён ишлаётган ҳамкасбларингда не гуноҳ!

Насли-насабда-чн!

Ота-боболарнмиз еттн пуштнинг саломатлигини кўзлаб яшаганларини унутдингмн! Ана шу насл занжирида даволаб бўлмас ногирон ҳалқа қолдирншинг мумкинлигини танангга ўйлаб кўрасанми!!

Кўпгина тентак ва ақли заифлар ичкиликка ружу қўйган оталардан туғилади.

Ф. БЭКОН.

Яқин-яқингача ёшн улуғлар ҳузурида ичиш, кўча-кўйда масталаст юрнш, ҳатто ичкилик шишасини очиқчасига қўлда тутишлар одоб доирасига снғмаган.

Отабек бўзаҳўрликка берилганн ёдингдамн! У кайфда тун ярмида уйнга қайтганининг эртасига Ҳасанали чой ҳозирлайдн. Шунда «Дастурхон ёзиб кутиб ўтирган Ҳасанали ёнига қнсилиб-қнмтнниб Отабек келдн. Тундаги ҳолн эсига тушиб бўлса керак, бошнни ердан кўтариб Ҳасаналига қарамас ва бир оғиз бўлсин сўз айтмас эдн».

Ваҳоланки, Ҳасаналн Отабекнинг падар бузрукворн эмас, бор-йўғи қулн эдн!

Энди-чи: ўрнн келса, ота-ўғнл чўқиштириб ичиш ҳеч кимни ажаблантирмаяпти. Тўйларнинг файзи; меҳмоннинг ҳурмати; саховат рамзи; суҳбатнинг калити; дастурхоннинг кўрки — ичкилик!! Нега шундай биродар!

Ҳар муносабат шарафига ичаверсак қачон яшаймиз, биродар! Нега энди одамларга, ҳодисаларга, саналарга муносабат ичкилик ичиш билан белгиланнши керак! Нега!!

Юриш-турншимизга, гап-сўзимизга теварак-атрофдагилар гувоҳ. Зеро, маданият, нафосат, назокатни сақлашга мажбурмиз. Афсуски, сархушлнк ана шу гўзал фазилатларни бошқарувчи уятни сиқиб чиқараяпти. Уятни унутдингми, бас, ҳар қандай ахлоқсизликка йўл очиқ.

«Ҳар қадамда хилма-хил ичимликлар сотнш уят эмасмн!!»

Узингча никор қилиб бўлмас даъво топдим деб ўйлаётганднрсан! Янглишасан. Аслида бу ҳам бнр қадаҳ май олдида имонн, иродаси, субутндан воз кечаднган, маънавий чоҳ лабига келиб қолган ароқхўрнинг ўз қилмишларини оқлашга урнниши, холос.

Тўғри, спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш, сотнш-сотмасликнинг ўзи алоҳида катта муаммо. Менн ташвишлантираётган нарса эса магазин растасига терилган шишалар эмас, балки сен, биродар, сеннинг тақдирнг!! Инсон деган номинг бўла турнб, эркаклик ғурурнинг бўла турнб шишадаги қандайдир оғуга қарам ва қуллигингдан куймоқдаман!

Дунёда ҳар нарсанинг ўзига яраша тартиб-қондаси, маданнятн бор. Жумладан, ичишнинг ҳам... Ейнш-ичш, нафсни қондирнш учунгина яшаётганимиз йўқ-ку, ахнр, биродар!..

Биродар, пировардида андишамни айтай: ёшинг улуғ бўлса уканг бўлай, кичик бўлсанг, дўстинг бўлай, фақат суҳбатимизни насиҳатгўйликка йўйма, мен борйўғи ҳамдардинг ва сирдошинг бўлиб кўнглимни ёздим, холос.

Хуршнд ДУСТМУҲАМЕДОВ.

Ахлоқ мавзуида

«МАЙ ИЧИБ УМРИНГНИ АЙЛАМА БАРБОД»

(Сархуш дўстим билан юзма-юз суҳбат)

● Спартак замонида Грецияда никоҳ куни келин-куёвга спиртли ичимлик ичиш ман қилинган. Юнон файласуфи Диоген, эса паст болалардан бирини кўриб, онаси бўйида бўлиш олдида отаси маст бўлган, деган экан.

● Француз врачи Демм» 28 йил давомида ўнта онланн кузатган. Бу оилаларда эр ҳам, хотин ҳам ичкиликбоз бўлишган. Бу оилаларда 57 та бола туғилган, улардан 25 бола ёшига етмай ўлган, 5 тасида тутқаноқ, 5 тасининг бош миясида сув, 12 таси жинни бўлган. Фақат 10 тагина бола нормал туғилган.

● Кўпчилик олимларнинг текширишларича, одатда алкоголь жигарга мияда кўра кўпроқ йиғилади, аммо мияда узоқ сақланади, шунга кўра одам кетма-кет нчса, бош мия фаолияти бузилади. Шу боисдан, сурункали ичкиликбозларда «оқ алахлаш» ҳар хнл турда кечади: бемор ҳар хнл овоз эшитади, рашк ва васвасага учрайди, кўзига турли қўрқинчли маҳлуқлар кўринади. Унинг кўллари қалтироқ бўлиб қолади, озгина нчса ҳам маст бўлиб, эсини йўқотади.

● Ичкиликбозларда меъда ости безн яллиғланиши, атеросклероз, инфаркт кўп учрайди. У буйракни ишдан чиқаради, бужмайтиради ва яллиғлантиради, бу эса фожна билан тугайди.



ИЧКИЛИКБОЗ ЭР: — Хотинжон, никоҳ узугингни сотнб бош оғриғимни босай, кейин янгисини олиб бераман.

ХОТИН: — Шу ичишингиз бўлса, нарнги дунёда ҳам кафангадо бўлиб юрасиз.



ИЧКИЛИКБОЗ: —Жоним, мендан хавотнр олма, ўн беш кун малака оширишга юборишяптн.

МИЛИЦИОНЕР: — Ичкилик ичишни ташлаб, одам бўлиб бораман дегин.



ИЧКИЛИКБОЗ:— Хотинжон, ўғлим менга ўхшайдимн!

ХОТИН:— Ухшайдн, бурни снзникига ўхшаган қип-қизил, дадасн.



ИЧКИЛИКБОЗ ОТА: — Ҳай бола, 13-ўй шу ўртадамн!

БОЛА: — Вой, дада, шундай уйимизнинг ёнида турибсиз-ку...

Ш. Субхонов расмлари.

---

2 Тошкент бет оқшоми

23 МАЙ, 1985 й.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ВЬЕТНАМ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА



Вьетнам Социалистик Республикаси. Мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларида тинч турмуш учун қизғин кураш авж олмоқда. Меҳнаткашларнинг тинч меҳнатдан сўнг мириқиб дам олишлари учун кўплаб қулайликлар яратиляпти.

СУРАТДА: мамлакат пойтахтининг Хоан-Кием кўлида спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

«ФАРМАХИМ»НИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

СОФИЯ. Шу йил Болгариядаги энг катта савдо-саноат бирлашмаларидан «Фармахим»нинг ишлаб чиқариш рўйхатига фармацевтика, парфюмерия ва косметиканинг 5 мингдан кўп маҳсулоти киритилди. Бирлашма яқинда 20 йиллик юбилейини нишонлади. Шу маҳсулотнинг бешдан бир қисми мамлакатнинг ички эҳтиёжларини батамом қондириб турибди. Қолган маҳсулот эса 80 мамлакатга экспорт қилинмоқда. Лекин Совет Иттифоқи кўп йиллардан бери унинг асосий улгуржи харидоридир.

Ҳукуматнинг соҳани янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, СССРга шу маҳсулотларни экспорт қилиш 1990 йилда 1,5 миллиард левликка етади. Шу мақсадга эришиш учун асосий йўналишлардаги 12 программа бажарила бошлади — биостимуляторлар, ветеринария препаратлари ишлаб чиқарила бошлади, биотехнологиялар ва ҳоказолар ишлаб чиқилиб жорий этила бошлади.

Пештер ва Радомирдаги заводлар ишлаб чиқараётган бир қанча препаратлар чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга бевосита алоқадордир. Шу йилнёк СССРга етказиб бериладиган қишлоқ хўжалик препаратлари 2,5 баравар кўпаяди.

Болгария — Совет дўстлиги БХР химия-фармацевтикаси бугунги кунда эришаётган муваффақиятлари негизини ташкил этади. Болқондаги энг катта корхоналардан — Разград антибиотиклар илмий ишлаб чиқариш комбинатини қуришда қатнашган дастлабки совет мутахассисларини бу корхонада ҳанузгача миннатдорлик билан эслаб юришибди. Соҳанинг София, Станке — Димитров ва Трояндаги бошқа корхоналарида, Пловдивдаги «Алек мак» комбинатида ҳам мураббийлар ёдидан кўтарилгани йўқ. Айни шу ҳамкорлик туфайли Болгария дорн-дармон, парфюмерия ва косметика маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида қисқа муддатлар ичида жаҳондаги даражага етиб олишига ёрдам берди.



Вашингтон. Оқ уй олдида Америка ҳукуматининг олиб бораётган снёсатига қарши кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Саксондан ортиқ мамлакатдаги ижтимоий, снёсий, касаба союз ва диний ташкилотларнинг вакиллари митингда иштирок этишди. Митинг қатнашчилари Рейган маъмурнятнининг олиб бораётган агрессив снёсатига қарши фикр билдиришди.

СУРАТДА: митинг пайти.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ПРАГА. Простеев шаҳридаги «Агрозет» концерни ЧССР еттинчи беш йиллигининг якунловчи йилида кичик тракторлар учун 22 миллион кроналик осма асбоблар ишлаб чиқаради. Ўтган йилдагига нисбатан шундай асбоблар ишлаб чиқариш 1,2 миллион кроналик кўпаяди. Концерн коллективи еттинчи беш йиллик мобайнида маҳсулот —кичик тракторлар ва уларнинг осма асбобларини чиқаришни 8,5 баравар оширди. Бунда концерн маҳсулотининг 60 процентн СССР, ГДР, ВХР ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа социалистик мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

* * *

ГААГА. Голландиянинг Лоссер шаҳри билан Москва областидаги Видное шаҳри биродарлашган. Лоссер муниципалитетининг таклифига биноан Видное шаҳар маъмурлари ва жамоатчилиги делегацияси бу ерда бўлди. Лоссер шаҳар муниципалитетининг вакили Ф. Мейер Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар шарафига уюштирилган қабул маросимида нутқ сўзлаб, айрим шаҳарлар ва жамоалар ўртасида дўстона алоқаларнинг ўрнатилишини ҳамжиҳатликни яхшилаш учун соз восита деб ҳисоблаймиз, оқибат натижада бундай алоқалар шарқ билан ғарб ўртасида кўнгилдагидек муносабатларга олиб келади, деди.

* * *

ВЕНА. Венада мустақил ва демократик Австрияни тиклаш тўғрисидаги давлат шартномасининг 30 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум очилди. Симпозиумда 12 мамлакатдан, шу жумладан Совет Иттифоқидан келган танқидчи олимлар ва публицистлар қатнашмоқда.

РИЁКОРЛИК ВА МУНОФИҚЛИК НАМОЙИШИ

ВАШИНГТОН. АҚШ давлат департаменти «Сальвадордаги аҳвол тўғрисида» конгрессга навбатдаги маълумотномани юборди, унда яна Марказий Америкадаги шу мамлакатда инсон ҳуқуқларига риоя этиш соҳасида қандайдир «силжиш» бор, деб даъво қилинади. Бундай «далолат» маъмурнятга Сальвадордаги қонхўр режимга ҳарбий-иқтисодий ёрдам беришни давом эттиришни оқлаш учун керак бўлиб қолганлиги маълум. Ҳар сафар маъмурият ўта кетган риёкорлик ва мунофиқлик намойиш этиб, конгресс аъзоларини Сальвадорда инсон ҳуқуқларига риоя этиш соҳасидаги аҳвол «муттасил яхшиланмоқда» деб ишонтиришга уринаётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Вашингтон расмий доиралари ҳаммага маълум фактларни инкор этиб, ватанпарварлик ҳаракатини қонга ботиришга, мамлакатда қонли ёвузликлар қилаётган ўта тескарични «ажал эскадронлари» бедодлигини кучайтиришга уринаётган Сальвадор ҳарбийларининг жиноятларини кўриб кўрмасликка олмоқдалар.

1980 йилдан буён АҚШ Сальвадор режимига 447 миллион доллардан ортиқ ҳарбий ёрдам берди, шу вақт ичида Америка ёрдамининг жами ҳажми 1,8 миллиард долларга етди. Америка томонидан Сальвадор ҳарбий ҳаво кучларига берилган с—47 самолёт ларининг «партизанларга қарши ҳаракатлар» давомидаги жанговар фазилатлари бу галги маълумотномаиинг алоҳида бўлимида кўкларга кўтариб мақталганлиги эътиборни ўзига тортади. Конгрессда яқинда ўтказилган мунозара чоғида маъмурият жуда аниқ мўлжалга урадиган тезатор тўплар билан таъминланган айни шу самолётларни Сальвадор режимига кўпроқ етказиб беришни талаб қилиб чиқди.

Воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кўпгина кишиларнинг ва мутахассисларнинг айтишича, Сальвадор ҳарбийлари Америкаиинг мана шу ва бошқа ҳарбий самолётлари ҳамда вертолетларидан фойдаланиш натижасида кейинги ойларда мамлакатнинг граждан аҳолиси орасида ҳалок бўлган ва жароҳатланган кишилар анча кўпайди.

• *Мактаб ислоҳоти—амалда*

Гўзалликка меҳр уйғотиб

КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»да болаларни кичик ёшидан идрокли, меҳнатсевар қилиб тарбиялаш лозимлиги уқтириб ўтилганлиги бежиз эмас. Шуни ҳисобга олиб, болалар боғчалари кичкинтойларни деярли ҳар куни сайрга олиб чиқиш, тез-тез экскурсиялар уюштиришни планли олиб боришлари керак. Минг эшитгандан бир бор кўрган афзал. Чунки бола кўрганларини осон идрок эта олади. Масалан, ҳар бир сайр болаларга 4—5 янги предметни кўриш, уларнинг номларини билиб, луғатларига янги сўз қўшилишига ёрдам беради. Болалар хиёбонга сайр қилиш орқали дарахт, тана, бутоқ, шох, навда, барг, япроқ, гул каби сўзлар билан танишадилар. Боғча атрофида қайси хиёбон борлиги, унга кетаётганда йўлда нималар кўрганликларини йўл-йўлакай эслаб борадилар.

Биз бир неча болалар боғчасида мазкур тема бўйича кузатув, яъни эксперимент олиб бордик. Жумладан, Тошкент шаҳридаги бир болалар боғчасида кичик группа болалари билан системали равишда сайр, экскурсия ташкил этдик.

Боғча атрофи ниҳоятда сўлим, табиати ниҳоят гўзал жой. Хўш, бу гўзалликни болаларга қандай усуллар билан тушунтириш уларда табиатга ва киши меҳнатига қандай қизиқиш орттириши мумкин. Бунинг учун дастлаб, болалар кўзига ташланадиган олмазор боғларга экскурсиялар ташкил қилиш планлаштирилди. Бунда болалар мевали дарахтлар билан таништирилади. Олма дарахтини гапириб беришдан кўра, уни кўрсатган маъқул. Болалар хиёбонда чинор ва қарағайни ўз кўзлари билан кўрадилар. Худди шу вақтда бу жойнинг номлари борлиги, дарахтлар орасида олмалар кўп бўлса, бу ер олмазор деб айтилиши, олмалар баҳорда гуллаши, сўнг мева тугиши, у аста-секин пишиб етилиши қисқа, қизиқарли қилиб гапириб берилади.

Болалар билан олиб борилган юқоридаги тадбирлар уларнинг талаффузи, тафаккурини кенгайтириш учун ҳам муҳим омил бўлди. Болалар экскурсияга бориш кунини сабрсизлик билан кутиб, руҳан унга тайёрланишга ўргандилар. Ҳар бир экскурсия, сайр уларда жуда катта таассурот қолдириб, актив фаолият воситаси бўла бошлади.

Болалар диққатини тортадиган жойлар топиб, сўнг уларни сайрга олиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Сайр 20—30 минут давом этса болалар толиқмайди. Экскурсиялар эса 30—40 минутни ташкил этиши мумкин.


Болалар боғчалари учун чоп этилган «Совға» ўқув қўлланмасида болаларга тўрт фаслга доир билимларни сингдириш учун расмлар, топшириқ ва саволлар берилган. Тарбиячилар шулардан фойдаланган ҳолда болаларда табиат ва фаслларга доир билимларни бойитадилар.

Кичик ёшдаги болаларнинг деярли ҳаммаси ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротларни кузатишни жуда яхши кўради. Кичкинтойлардаги бу қизиқишни янада ошириш учун сайр вақтида улар эътибори қушларнинг баланд ёки паст учишига, чумолиларнинг қўш чиққан куни яширинб ўрмалашига, чигирткалар ҳаракатига, қўнғиз-ниначиларнинг учишига қаратилади.

Уй ҳайвонларига нисбатан болаларда алоҳида меҳр уйғотиш керак. Хонада балиқ боқиш, уни парваришлаш ишларида бевосита кичкинтойлар иштирок этиши лозим. Улар бундай топшириқларни жондил билан бажарадилар. Шундай қилиб уларда фойдали меҳнат қилишга мойиллик пайдо бўла бошлайди. Болалар ёмғир, қор, дўл, шамол, булут, туман каби сўзларни уларнинг табиатда содир бўлишларини кузатиш орқали идроқ этишларини унутмаслик керак.

Кузатиш натижаларини умумлаштириш эса болаларда актив фаолият яратади. Шу тариқа улар кўпгина табиат сирларини осонлик билан билиб оладилар.

М. ҚОСИМОВА,
Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг илмий ходими.



УКРАИНА ССР. Николаевск шаҳридаги «Албон елканлар» комбинатининг маҳсулотлари доимо харидорлар томонидан қарши олинади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган 160 номдаги аёллар косметикасига тааллуқли ранг-баранг маҳсулотлар юқори сифатлилиги билан ажралиб туради.

СУРАТДА: комбинат ишчиси Татьяна Попова янги ишлаб чиқарилган жорий этилган атирларини намойиш қилмоқда.



● НОЗ-НЕЪМАТЛАРНИНГ СУЛТОНИ ● ДАСТУРХОН ТЎКИНЛИГИ ВА ФАЙЗИ ● НОН ҚАДРИНИ МЕҲНАТ ҚИЛГАН БИЛАДИ ● ЯХШИ ПАЗАНДАНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ ● ОЗИҚ-ОВҚАТЛАРНИ ИСРОФ ҚИЛМАНГ.

НОН—БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ



Нон ва озиқ-овқат маҳсулотларининг азгу меҳнати, пешона тери, ғайрат-шижоати билан яратилади, булар турмушимиз фаровонлигининг, ҳаётимиз заминин ва асосини белгилайди. Халқимиз турмуш шароити юксалган сари, дастурхонимизда бебаҳо бойлигимиз— нон мўл-кўл бўлганн сари уни қадрлайди, исроф этмайди, деҳқон меҳнати билан яратилган озиқ-овқат маҳсулотларига чуқур эҳтиром ва эътиқод билан қарайди. Яқинда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида нонни ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сарфлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этилиши учун талабчанликни кучайтириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Яхши ниятли, фаровон турмушимиз қадрини биладиган ҳар бир киши нонни эъзозлаши, унинг исроф бўлишига йўл қўймаслиги керак. Тўй-ҳашамларда, баъзи йиғинларда нон ва озиқ-овқат маҳсулотлари нес-нобуд бўлаётганига сира тоқат қилиб бўлмайди. КПСС Марказий Комитетининг қарорида, кейинги вақтларда озиқ-овқат ресурсларидан фойдаланиш тартибини бузиш, колхозлар, совхозлар ва аҳоли чорва молларини боқиш учун савдо тармоқларидан нон ва бошқа маҳсулотларни кўплаб харид қилиш ҳоллари тез-тез содир бўлиб турганн алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Азиз ва бебаҳо неъмат— нонни ва нон маҳсулотларини молларга бериш кўрнамаклик, имонсизлик ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотларини исроф қилиш ҳолларига қатъиян чек қўйиш керак. Буннинг учун партия, совет органлари, комсомол ва касаба союз ташкилотлари жойларда нонни исроф қилмаслик юзасидан назоратни кучайтиришлари, ҳар бир хонадон, ҳар бир оила аъзоси нон ва нон маҳсулотлари нес-нобуд бўлишига йўл қўймасликлари, уни эъзозлаб, асраб-авайлаб, тежамкорлик билан ишлатишлари лозим.

Қуйидаги материалларда нонни исроф қилмаслик, бу улуғ неъматнинг нақадар азизлиги ҳақидаги фикрлар билан танишасиз.

• *Сиз бунга нима дейсиз?*

УВОЛ ҚИЛГАН—ЗАВОЛ КЎРАДИ

«Афсуски, идеология ишини ташкил этишда ҳали ҳам дабдабали тадбирлар ҳаддан ташқари кўп, буржуа идеологиясига ва ахлоқига қарши одамлар онги ва феъл-атворидаги реакцион сарқитларга қарши, истеъмолчилик психологиясига, қолоқ урф-одатларга ва анъаналарга, ҳаддан ортиқ ҳашамдор тўй-томошаларга ва маъракаларга қарши курашдаги ҳужумкорлик ва таъсирчанлик бўшаштириб юборилган».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумлари материалларидан).

Рўзғор ташвишлари билан Эски Жўвага тушдик, кейин ишга боришдан олдин Октябрь колхоз бозори ўртасига жойлашган ошхонага овқатлангани кирдигу, шу ердаги стол тагига энгашиб олган бир йигитчанинг ҳаракатини кўриб ҳангу-манг бўлиб қолдик. Стол нотекис турган экан шекилли, ҳалиги йигитча қолдиқ нонларни буклаб стол оёғи тагига тиқар, гўё уни текислаётган эди. Яхшигина кийинган, кўринишдан эс-хуши жойида бу йигитнинг нонни увол қилаётганини кўриб ҳайратландик.

— Вой тавба, бу йигит жиннини? — деб юбордик беихтиёр унинг яқинига бориб. Йигит «Нима гап?» дегандек бизга безрайиб, масхараомуз қараб турарди.

— Нонни увол қилдингиз-ку, нега нонни стол оёғи тагига қуйдингиз, —дедик ачиниб.

— Оббо донолар-эй! — деди у кесатиқ билан, — бу ахлатга ташлаб юбориладиган нон, нима бўпти?

— Ахир нон-ку бу, нонинг ёмони бўлмайди, —дедик ва бир парча қоғозни буклаб стол оёғи тагига қўйдик-да, увол қилинган нонни ушоқларигача териб қоғозга ўраб олдик.

Таъбимиз хира бўлганидан иштаҳамиз ҳам бўғилиб, ошхонадан овқатланмай чиқиб кетдик. «Бойвачча» отасининг пулига ясаниб-тусаниб олган, такаббур, босар-тусарини билмаган, яхши тарбия кўрмаган бу олифта йигитчадан нафратландик.

Ошхонадан чиқар эканмиз, яна бир нарса дилимизни оғритди. Бу ерда столларни йиғиштирувчи ходим-фаррошлар, официанткалар одамлардан ортган тоза нонларни пиёз пўчоқлари, балиқ қилтаноқлари, қўл артилган қоғозлар билан аралаш-қуралаш челакка солишарди. Ахир нонларни алоҳида покиза идишларга йиғиш мумкин-ку. Ахир деҳқон меҳнати, қанчалаб кишилар заҳмат-машаққати эвазига етиштирилган азиз неъмат—нонни исроф қилиш инсофданми?

Тошкент чинни заводининг ишчилари Моҳира МАМАДАЛИЕВА, Маҳмуда ва Мавжуда ЖУМАБОЕВАлар ёзган бу дил сўзларида нонга ҳурмат мужассамлашган.

Нон— жондек азиз неъмат. Ҳаёт ғилдираги нон билан айланади, тириклик нон билан қарор топади. Табиатнинг бебаҳо шу туҳфаси — нон ҳақида фозилу-донолар, шоиру-ёзувчилар, алломалару-давлат арбоблари, халқ бахшилари, бутун дунё халқлари кўпдан-кўп ҳикматлар айтишган, нонни ҳаёт манбаи, тириклик рамзи деб мадҳ этишган. Яна шуни айтиш мумкинки, нон ҳақидаги гап қанча кўп бўлса ҳам, ҳудди унинг ўзи каби ҳеч кўнгилга урмайди. Зеро, бирон бир хил овқат кетма-кет икки-уч марта, ейилса кўнгилга тегади, нон эса ҳеч қачон меъдага урмайди, унинг бебаҳолиги, азизлиги ва лаззати ана шунда!

Қарангки, одам боласи тета-поя бўлиб, жажжи қўлларига бир бурда нон ушлаб оёққа турганидан, то сўнгги манзилга кетгунга қадар нон билан тирик! У бир умр ризқу-рўзимиз, ҳамроҳимиз, тандаги жонимиз, бир умрлик содиқ йўлдошимиз экан.

Тили энди чиқаётган гўдак «она» сўзи билан «нон» («ойи, нанна») сўзини деярли бир пайтда айтади. Демак, нон ҳам ҳар биримизга онамиздек азиз ва мўътабар!

Хўш, нонни бунчалар эъзозлашимизнинг маъноси нимада? Тасаввур қилинг: ерни шудгор қилиш, уруғ сепиш, доннинг униб чиқишини кузатиш, денгизда чайқалган бепоён ғаллазорлардан олтин бошоқларни қуёш тиғида йиғиштириб олиш, ташиб келтириш, буғдойни улкан тегирмонларда янчиб унга айлантириш, нонвойхоналарга элтиб бериш, иссиқ тандир-печлар олдида терлаб-пишиб нон тайёрлаш — булар ҳаммаси минглаб, миллионлаб одамларнинг ҳалол, фидокорона меҳнати, пешона тери билан бунёд бўлади. Нон деган бебаҳо неъмат ана шундай (булар айтишга осон) машаққатлар билан ҳосил бўлади.

Хўш, инсон меҳнат-машаққати билан яратилган нонни исроф қилган, увол қилган кимсани нима дейиш керак? Бундай одамни халқимиз нонкўр, нонтепки деб лаънатлайди. Чинни заводи ишчилари ёзган хатда таърифланган, стол оёғи тагига нонни посанги қилиб қўйётган олифта, «бойвачча» йигит нон қадрини, ҳаёт маъносини, нима учун яшаётганини билмайди.

Шу ўринда бир хотамтой «бойвачча»нинг тўйини ҳам таъриф этишга тўғри келади. Кечки базмга ясатилган дастурхонни кўрган одамнинг кўзи қамашиб кетарди. Оқ дастурхонлар ёзилган стол устида турли мевалар, ликопчаларда сомсалар, норинлар, яхналар, катта-катта биллур вазаларда қимматбаҳо мевалар, панжадек-панжадек шоколадлар, асалу-новвотлар қалашиб ётибди. Яна дастурхонга қиймали, жиззали нонлар, варақи-чучваралар, пирожнийлар пешма-пеш торгиб турилибди. Ичкиликнинг ҳамма туридан ҳам қалаштириб ташланган. Дастурхонда пиёлага ҳам, нон синдириб қўйишга ҳам жой йўқ. Тўрда баъзи танноз аёллар, нуқул чет эл кийимини кийган «қўнғиз мўйлов» йигитчалар керилиб ўтиришибди. Келинга яқинроқ ўтирган, бўйнига қат-қат марварид осган, қўша-қўша қимматбаҳо тақинчоқлар таққан тилла тишли жувон нуқул тиржайиб:

—Қуйинглар, коньякдан қуйинглар, манти келди, — деб тоза қошиқларни жиззали нонларнинг мағзига артиб ташлаяпти. Унинг ёнидаги қотма, тажанг қизча (синглиси бўлса керак) лабидаги қондек помадасини бир бўлак нонга артиб-артиб, орқадаги ариққа улоқтириб юборди.

Дабдабали бу тўй ярим кечадан ошганда ичкиликбозларнинг жанжали, уч-тўрт кишининг майиб бўлиши, беш-олти йигитнинг хушёронага тушиши билан тугади. Тўй қилган «бойвачча»нинг уйидагиларн синдирилган бўрсилдоқ нонларни кўмир солинган иситкрт қопга солиб, ҳовли этагидаги ахлат яшик ёнига ташладилар. Тоғора-тоғора шўрва, манти, ошу-кабоблар жарга олиб бориб тўкилди. Қанча нон-насиба, қанча ноз-неъмат исроф бўлди. Тўй қилган «бойвачча»ни баъзи лаганбардорлар ҳотамитой деб мақтадилар, ақли зукко одамлар эса «нонкўр», кўрнамак, кўзини «тўқлик ёғи босибди», деб нафратланишди.

Кейин ҳисоб қилишларича, бу «бойвачча» тўйга ўн қоп ундан нон ёпибди. Ўн қоп ёпилган нон тўйга келган ҳар бир меҳмонга 20—25 тадан тўғри келар экан. Уч-тўрт соатда ўтадиган тўйда бир киши шунча нонни қандай ейди! Буларнинг ҳаммаси тўқликка — шўхлик, исрофгарчилик, одамларга ҳурматсизлик, маънавий-маънавий, шуҳратпарастлик иллатидир.

Жамоат овқатланиш жойларида ҳам нон маҳсулотлари исроф бўлаётганини кўриб нафратимиз қўзийди. Ошхонага кирган ҳар бир хўранда ўзига етарли, тамаддисига лойиқ нон олса бўлади, баъзилар бундай қилмайди, дастадаста кесим нон олиб, еганча ейдида, қолганини ташлаб кетади, ошхона ходимлари уни чиқиндига қўшиб юборади. Баъзи ошхоналарда хамир таомлар шу қадар бемаза тайёрланадики, коса-коса лағмону чучваралар, хом ёки куйган сомсалар ейилмай ташлаб кетилади. Таомни бемаза ва сифатсиз тайёрлашган ошпаз-пазандалар қанчалаб неъмат исроф бўлаётганлиги, увол бўлаётганини ўйлашмайди, уларга овқат сотилса, план тўлса бўлди, чўнтакни қаппайтириб кетаверадилар.

Турмушимиз фаровонлигини, озиқ-овқат, нон мўллигини дом ҳис этиб турибмиз. Лекин ана шу тўқчиликка «шўхлик» қилиб, исрофгарчилик, маънавий-маънавий қилиш бизнинг ахлоқий тарбиямизга, маънавиятимизга тўғри келмайди.

Баъзида мана бундай ҳолга дуч келамиз. Ахлат машина келиб тўхтайди. Ҳар бир хонадон чиқиндилар солинган челакларни олиб чиқа бошлашади. Контейнерга тўкилаётган челакларда ҳар хил пўчоқларга аралашиб ётган нон бўлакларини кўрамиз. Шундай бир воқеа бўлди. Ахлат машинаси томон катта қизил сумкасини кўтариб югуриб келаётган ёш жувон йилтироқ қўйлагини кир қилмаслик учун ўзини тортиб, қўлидаги сумкадан ахлатга нонни ағдарди, кейин шоферга тиржайиб деди:

— Барака топинг-эй, анчамунча қотган нон сумкамни банд қилиб ётувди, қутилдим-э.

Шофёр унга нафрат билан ўқрайиб қаради:

— Фаросат борми, нонни ҳам ахлатга ташлайдими одам! —шофёр чеккада турган нон қопини олиб, жувон ташлаган нонларни ахлат ичидан териб ола бошлади. Жувон айбини тушуниб қолди, шекилли, «дув» қизариб, ҳеч нима бўлмагандек ортига қайтиб кетди.

Мўътабар ноз-неъмат— нонни ахлатга ташлаётган бундай кимсалар ўз қадрини ҳам, одамлар меҳнати қадрини ҳам билмайдиган калтабинлардир. Яхши удумимиз бор— ердайўлда бир бурда нон ётган бўлса, қўлга олиб ўпамиз, кўзга суртамиз. Бу деҳқонга эҳтиром, нонни етиштирган одамлар меҳнатига таъзим, ҳурматиззат ва эътиқодимиз рамзи ҳисобланади.

Одамлар ўзаро баҳслашиб:

— Дунёда энг яхши, энг ёқимли ҳид нимаанинг ҳиди — ғалла мулоҳаза қилишибди.

Баҳсни бир донишманд якунлаб, шундай деган экан:

— Дунёда тандирдан янги узилган лоларанг нонниинг ҳиди энг ёқимли ҳид бўлади. Нонда ҳаёт нафаси, тириклик мағзи бор. Нон— улуғ неъмат!

Нон ҳақидаги мулоҳазамизни мана бу халқ ҳикмати билан тугаллаймиз:

Нонни исроф этган одам кўр бўлур,
Кўр бўлмаса ҳам пешонаси шўр бўлур.
Тўлқин РАСУЛЕВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Азиз оқшомхон! Нонинг бебаҳо неъмат эканини ҳаммамиз дилдан ҳис этамиз. Сифатли тайёрланган, магзи ширин, лоладек қизариб пишган нон лаззатли бўлиб, уни иштаҳа билан истеъмол қиламиз. Лекин хоммағиз, куйган, шакли бузилган, туз-наъмаги сифатсиз нон корхоналари, магазинлар ҳақида, нонни эъзоялаётган, исрофга йўл қўймаётган яхши ниятли кишилар ҳақида, шунингдек нон ва нон маҳсулотларини исроф қилаётган баъзи шахслар ҳақида хат-хабарларингизни кутамиз. Батафсил маълумотли ва фойдали мулоҳазалар билдирилган хатларингиз газетамиз саҳифасида ёритиб борилади.



«Нон — ҳаёт неъмати».

• *Оқшомхон таклиф этади*

Сифатли бўлсин

Қадим-қадимдан ота-боболаримиз нонни эъзозлаб келишган. Бир уюм ерда ётса, четга олиб қўйишган. Ҳа, нон шундай азизки, унинг увол бўлишига йўл қўйиш виждон иши эмас. Бир бурда нон қанча меҳнат эвазига келишини идрок этган одам, уруш йиллари нон нақадар тақчил бўлганини бошидан кечирган ва тасаввур этган одам уни ҳамиша эъзозлайди.

Ҳозир ҳаётимиз фаровон. Тўқчилик. Магазинларда нонлар мўл. Лекин, афсус билан айтиш керакки, баъзан нонларнинг ёпилишига яхши эътибор берилмаяпти. Айниқса, 11 тийинлик оби нонларнинг сифати яхши эмас. Хом магиз, берч оби нонларни кўриб ачинасиз. Эссизгина ун, эссизгина меҳнат. 3-нон заводида ёпилган 9 тийинлик берч оби нонларнинг баъзан 30 процента хом ёки куйган бўлади. Ахир бу исрофгарчилик-ку!

Афсуски, тўйларда нон кўп исроф бўляпти. Бунинг олдини олиш, да маҳалла активларидан тузилган тўй комиссияларининг имконияти-
ри ҳам катта. Улар тўйни олиб бориш билан бирга, нон исроф бўлмаслиги учун ҳам чора-тадбирлар кўришса, нон исрофгарчилигига чек қўйилган бўлур эди.

Тошкентнинг баъзи жойларида чиқиндиларга қоришиб ётган нонларни кўрганда ҳар қандай одам ранжийди. Баъзи жойларда ортган нонларни солиш учун қопқоқли темир яшчиклар қўйилган. Шаҳардаги барча маҳалла ва кварталларда шундай яшчиклар ўрнатилиб, йиғилиб қолган нонлар вақти-вақти билан олиб кетилса айни муддао бўлур эди.

Ю. ТОЛИПОВ,
ишчи.

• *Билиб қўйган яхши*

НОМИ ҲАМ ЧИРОЙЛИ

Одамлар ғалла унидан турли-туман нонлар, нон маҳсулотларни тайёрлаб, унга ўзига хос чиройли номлар қўйишади. Олимларнинг айтишича, нон хилларини санаб чиқиш мушкул экан, чунки деярли ҳар куни дунё бўйича янги шакл-шамойилдаги ва пиширнш усули хилма-хил бўлган нонлар тайёрланади. Қуйида бир неча хил нонларнинг номи билан танишасиз.

● «Пахта нон», «Меҳмон нон», «Совға нон», «Тўй нони», «Рашенский нони», «Нон-туз», «Ширмой нон», «Патир нон», «Жиззали нон», «Гижда нон», «Чуррак нон», «Оби нон», «Кўк патир», «Самарқанд нони», «Уй нони», «Зоғора нон».

● Бухоролик олим ва шоир, кўп юртларни кезиб чиққан сайёҳ Қори Раҳматуллоҳ Бозеҳ ўзининг «Нон-неъмат кони ва лаззат дастурхони» деган асарида қуйидаги нонларнинг номини келтирган:

● «Нони бодомий», «Нони пойир», «Нони бўксимот», «Нони бадҳавон», «Нони софтон», «Нони хурмо», «Нони хитойи», «Нони хубони», «Нони самид», «Нони сансак», «Нони ширмон», «Нони фуруний», «Нони нумоч», «Нони наҳудий», «Нони варақий».

• *ОДАМЛАР, ОДАТЛАР*

ЯХШИ УДУМЛАР

● Узоқдан келган меҳмонлар биринчи навбатда нон ва туз билан сийланади.

● Меҳмоннавозликда дастурхонга дастлаб, нон жуфт ҳолда қўйилади.

● Уй тўрига тузи йўқ, узоқ сақланадиган ва чиройли ёпилган лоларанг нон осиб қўйилади.

● Беморни кўргани ёки қариялар ҳузурига борганда янги ёпилган иссиқ нон олиб борилади.

● Уй эгалари сафарга кетаётган яқин кишиларига эзгу ният билан бутун нонни тишлатиб олиб қолишади.

● Чавандозлар улоқ пойгаси олдидан, мадад бўлсин деб, белга нон тугиб олишади.

● Меҳмонга борганда ҳар хил совға-саломлар билан бирга, албатта, нон ҳам олиб борилади.

РЕЙД МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

КОНТРОЛЬ ТАРОЗИЛАРНИ «УНУТИШДИ»

Бугун контроль тарозилар ҳақида сўз юритаётганимиз бежиз эмас. Бу масала бир қарашда арзимасдек кўриниши мумкин. У бор ёки йўқлигидан бир нарса ўзгарадими? Ҳа, кўп нарса унга боғлиқ. Зеро, ҳозирча савдо ходимларн асосан ўз фойдаларига адашишаётган экан, тарози бўлса аввало сотувчилар иши устидан назорат кучаяди. Харидорлар шубҳани бир чеккага йиғиштириб, айтиш мумкинки, шу жойнинг ўзида пештахта ёнидан узоқлашмай қай даражада хизмат кўрсатилганини, аниқлай оладилар. Бинобарин, ҳозирги кунда шикоятларнинг анчагина қисми у ёки бу жанжалли масаланн ўша жойнинг ўзида ҳал этиш имкониятн йўқлиги сабабли юзага келяпти. Натижада кишилар турли идораларга мурожаат этяптилар.

Ленин райпишчеторгининг 16-магазини. Қадоқланган маҳсулотлар сотилувчи ўз-ўзига хизмат кўрсатиш залида контроль тарозилар йўқ. Бу ердаги учта электрон тарозининг иккитаси носоз. Бироқ магазин мудири А. Мирҳидоятов буни камчилик деб ўйламайди. Кўрининб турибдики, у бу масалани иккинчи даражали деб ҳисоблайди.

Фрунзе райпишчеторги пештахта ходимларининг ҳам муносабатлари ана шундай. 5-магазинда (мудири С. Мусаев) контроль тарози столи бўш турибди. Катта сотувчи А. Миметовнинг айтишича, тарозиларни сабзавот бўлимига олишган. Шунга ўхшаш жавобни 16-магазин сотувчиси А. Волчковадан ҳам эшитдик.

Бошқа магазин мудирлари контроль тарозилар йўқлигини фаромуш-хотирликда деб тушунтиришди. Худди шундай баҳонани Сергели райпишчеторгининг 3-магазини (мудири Д. Тагиев), Чилонзор райпишчеторгининг 22-магазини (мудири А. Тошматов), шунингдек Акмал Икромов райпродторгининг М. Йўлдошев, С. Усмонов, Т. Таханбеков бошчилик қилаётган 5/1, 9, 15-магазинларида эшитдик.

Шунга ўхшаш нуқсонлар аниқланган барча савдо корхоналарини санаб ўтиш шарт эмасдир. Бошқа нарса ҳақида сўз юритишни истаймиз. Қаерда хизмат кўрсатиш маданияти юқори бўлса, қаерда харидорга илтифот билан муносабатда бўлинса, ўша ерда барча савдо қоидаларига қаттиқ риоя этилади. Бундай магазинларда контроль тарозилар қўйилишини иккинчи даражали масала деб ҳисоблашмайди. Эскичасига иш юритилаётган магазинларда бутунлай тескари манзара намоён бўлади. Одатда уларнинг мудирлари тарозидан, ҳақдан ўриб қолинишн, қўпол муомалада бўлингани ҳақида мулоҳаза билдириб безор қиладиган харидорлардан қутулиш учун ўнлаб важ-карсон топишади.

Биз бошқа тонфадаги магазин мудирларига ҳам дуч келдик. Уларни расман ҳеч нарсада айблай олмайсиз. Контроль тарозилар бор, лекин улар ҳеч кимнинг бўйи етмайдиган баланд жойга ёки ҳеч ким кўрмайдиган бурчакка қўйилган, ёки бўлмаса носоз.

Биз билан мулоқотда бўлган магазин мудирларининг бирортаси контроль тарозилари ўрнатишда қандай ҳужжатга асосланишни, уларни қандай савдо корхоналарида ва айнан қайси жойларда ўрнатилишини аниқ билмайди. Бу масалани ҳар ким ўзича талқин этади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг ташкилий бўлимида бизни СССР савдо министрининг 1973 йил 18 майдаги 102-буйруғи ва республика савдо министрлигининг айни шу хусусдаги 1973 йил 12 июндаги 122-буйруғи билан таништиришди. Ҳужжатларда қуйидагилар айтилган: **«Харидорга унга сотилган молнинг оғирлиги ва узунлигини хусусан ўзи, шунингдек магазин ходими ёрдамида текшириш имконнятн берилади. Озиқ-овқат магазинларининг савдо залларида техник жиҳозлаш нормаларига биноан харидорга қулай жойга контроль тарозилар, контроль ўлчов идишларн қўйилади, газламалар сотувчи магазинларнинг савдо залларига контроль метрлар қўйилади».**

Очиқ-равшан айтилгани кўриниб турибди. Лекин нима учундир бу ҳужжат барча магазин мудирлари учун дастуруламалга айланмади. Балки, бу борада уларнинг ўз фикрлари бордир? Шаҳарнинг кўпгина райпишчеторгларида бундай нуқсонларга панжа орасидан қарашяпти. Барча савдо корхоналарида қаттиқ тартиб ўрнатиш, енгил бойлик ишқибозларига қўл келаётган рахналарни ёпиб қўйиш пайти келмадимикин? Магазинларда совет савдоси қоидалари бузилишига йўл қўйилмаслиги даркор.

Ф. БРАСЛАВСКИЙ,
Тошкент шаҳар давлат савдо инспекциясининг штатсиз контролёри.

А. ХАТАМОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.



Москвадаги Ленин комсомоли номли театри коллективи ўзининг кўплаб саҳна асарлари билан томошабинлар қалбидан муносиб ўрин олган. Театр саҳнасида намойиш этилаётган классик асарлар билан бир қаторда, замонавий руҳ билан суғорилган спектакларни томошабинлар мунтазам илиқ қарши олишади. Театр коллективи таниқли драматург, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Алексей Арбузовнинг «Қалтис ўйинлар» драмасини 200 мартадан кўпроқ намойиш этди. Ҳар сафарги саҳна асари намойиш этилган спектакллар томошабинларининг самимий қарсакларига сазовор бўлди.

СУРАТДА: спектакллардан кўринниш.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

23 МАЙ, 1985 й.

АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА ҲАЛОК БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ОИЛАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-МАИШИЙ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА

ҚУЙИДАГИ ИМТИЁЗЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Умумий бетоблик, меҳнатда шикастланиш ва бошқа сабабларга кўра (ҳуқуқий нормаларга алоқаси бўлмаган хатти-ҳаракатлар оқибатида мажруҳ бўлиб қолган кишилардан ташқари) инвалид деб топилган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари

ГАЗ УЧУН 50 ПРОЦЕНТ ҲАЖМИДА ҲАҚ ТЎЛАЙДИЛАР

Вафот этган Улуғ Ватан уруши инвалидларининг бевалари ҳам ана шундай ҳуқуқ, имтиёздан фойдаланадилар.

Газга ҳақ тўлашдаги бундай имтиёз 1985 йил 1 майдан бошлаб кучга кирди. У қайсики, имтиёздан фодаланишга ҳуқуқ берувчи ҳужжат, гувоҳнома, паспорт кўрсатилган кундан эътиборан амалга оширилади.

Айни пайтда газ учун ўз вақтида ҳақ тўлашни ҳам унутманг. Газ учун ҳақ тўлашда қарздор бўлган абонентлар қарзларини тезда узишлари шарт, акс ҳолда газ бериш тўхтатиб қўйилади.

«ТАШГАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» трестининг

ЎҚУВ ПУНКТИ

вентиляция ва ҳавони кондиционлаштириш ва вентиляция монтажи бўйича слесарь-вентиляцячилар, вентиляция системаларининг деталларини тайёрлаш слесарь-вентиляцячиларини тайёрлайдиган

3 ОЙЛИК ҚУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 17 ЯРИМ ЁШДАН 40 ЁШГАЧА БЎЛГАН КИШИЛАР ИМТИҲОНЛАРСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.
Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

КУРСЛАРНИ ТУГАТГАНЛАР «УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ ТАШКИЛОТЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисидаги медицина справкаси, 3х4 см ҳажмдаги фотосурат, меҳнат дафтарчаси.

Паспорт ва ҳарбий билет (ёки ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисида гувоҳнома) **шахсан кўрсатилади.**

Мурожаат учун адрес: 700047, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй, 3- қават, 25-хона.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг «ЖИЛСТРОЙ» трестига қарашли

3-ЙИРИК ПАНЕЛЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАВОДИГА **қолипчилар**

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар. Меҳнат ҳақи — ишбай тарзида тўланади.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА **майдалаш-саралаш механизмларининг машинистлари, кран машинистлари, стропальщиклар, сараловчилар, прессловчи, электр слесарлар, ремонт бўйича слесарлар, қуювчилар, юкчилар.**

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар. Махсус автобус хизмат кўрсатади.

ТОШКЕНТ ТУҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА **йигирувчи, хом ип тайёрловчи, съёмкачи, ленталовчи, тароқловчи аёллар, таровчи машиналарнинг операторлари, зарядловчи, эшувчи, калаваловчи аёллар, йигирув ва тўқув ишлаб чиқариши мастерларининг ёрдамчилари, слесарь-ремонтчилар, электр монтёрлар.**

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА **слесарь-сантехниклар, газ-пайвандчилар.**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИНИНГ БЎЛИНМАСИГА **қозон-турбина цехининг смена бошлиқлари, катта машинистлар; турбиналар, қозонлар, таъминловчи насосларнинг машинистлари, навбатчи инженерлар, турбина асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарлар. Иш Муборак ТЭЦига жўнаб кетиш билан боғлиқ.**

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ— Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси 64-уй;
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ— 2-квартал, 3-уй;
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ— М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 50-уй;
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ— Энгельс кўчаси, 48-уй;
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ —Қорасарой кўчаси 270-уй;
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ —Чилонзор массиви, 22- квартал, 13-уй;
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 69-уй.

ТЕЗ ВА МАЛАКАЛИ ХИЗМАТ

«ТАШПРОКАТРАЗНОБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ МАШИНКАДА ЁЗУВ БЮРОСИДА

диссертациялар, диплом ишлари, докладлар, протоколлар, ҳар хил мураккабликдаги жадваллар

ТЕЗ ВА МАЛАКАЛИ КЎЧИРИБ БЕРИЛАДИ

Муассасалар ва оддий кишилар бюронинг хизматидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Буюртмаларни бажариб бериш муддати буюртмачи билан келишилади. Хизмат ҳақи учун баҳолар прейскуранти бўйича нақд пул тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 185-алоқа бўлими, Чилонзор массиви, Е-квартали, 6-уй. Телефон 77-84-77.



«ТАШГОРПРОКАТРАЗНОБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 77-84-77).

ХОНАДОН ФАЙЗИ



ЖОЗИБАЛИ ГУЛЛИ ГИЛАМ, ЧИРОЙЛИ ПОЛОС — ХОНАДОННИ ФАЙЗЛИ ВА ҚУРҚАМ ҚИЛИШДА ЭНГ МУНОСИБ БУЮМЛАР ҲИСОБЛАНАДИ.

БАҲОРНИНГ

МУАТТАР ИСИ

КИЧИК ШИШАЧАЛАРГА ҚУЙИЛГАН «ГОЛУБИЕ ЦВЕТИ», «ГИАЦИНТ», «БЕЛАЯ СИРЕНЬ» АТИРЛАРИ БАҲОР ГУЛЛАРИНИНГ МАЙИН ИСЛАРИНИ ТАРАТАДИ.

«СОЮЗПАРФЮМЕРПРОМ» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.



«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«ВАЗИЯТГА ҚАРАБ ИШ ТУТ»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРДИ



Сценарий муаллифи — Е. ОНОПРИЕНКО.
Режиссёр — И. ГОРОБЕЦ.

РОЛЛАРДА: В. ЮРЧЕНКО, И. РЕЗНИКОВА, А. СТОРПИРШТИС ва бошқалар.

Бу ўткир сюжетли фильм Улуғ Ватан урушининг тугаш онларида интернациональ бурч деб ўз ҳаётини қурбон берган совет жангчиларининг жасоратига бағишланган.

Германия территориясига ўтиб қолган ва душман орқасида ўз бурчини адо этиб бўлган кичик совет рейд группаси бир неча минг инглиз ва америкалик ҳарбий асирни йўқ қилиб ташлаш юзасидан фашистлар тайёрлаётган жиноятдан хабар топади. Ва жангчиларимиз уларга ёрдам қўлини чўзишга азми-қарор қиладилар.

«ОДЕССА» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ҚИШ ФАСЛИ ТАРАДДУДИ

ХАЛҚИМИЗДА ЖУДА АЖОИБ ҲИКМАТЛИ ГАПЛАР БОР. УЛАРДАН БИРИДА ЁЗ ЁПИНЧИҒИНГНИ ҚЎЙМА, ҚИШДА ЎЗИНГ БИЛАСАН ДЕЙИЛАДИ.

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА

23-26 МАЙ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН

САВДО КЎРГАЗМАСИДА

ТОШКЕНТДАГИ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МАВСУМБОП ҚИШКИ ПАЛЬТОЛАРИ СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН.



«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ (телефон 77-14-31).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (45-37-27).

ТВ

пайшанба

23 МАЙ

● МТ I

17.55 Ҳиндистон артистлари ижро этади.
18.40 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнат —жамият— инсон».
19.10 «Дунё воқеалари».
19.25 «Москвичка» телеклуби.
20.25 «Михаил Шолохов». Ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР кубоги. Ярим финаллар. «Динамо» (Киев) —«Искра» (Смоленск), «Шахтёр» —«Зенит». Танаффус пайтида (22.45)— «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Травкин сабоқлари». 2-кўрсатув.
19.20 «Экранда — Сибирь». Киножурнал.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Шахмат мактаби».
21.15 «Днестр» халқ ансамбли ижро этади.
21.30 «Время».
22.00 «Юқори проба». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан, бир асалари бўлган экан...» Мультфильм.
18.30 «Ўзбекистон матлубот кооперацияси системасида агросаноат интеграциясининг ривожланиши».
19.00 «Ҳаёт каби тирик».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Театр учрашувлари». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг «Маршал Жуков» спектакли ҳақида.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғулари оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Пилла — бойлигимиз».
22.20 «Икки Фёдор». Бадиий фильм (рус.).
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.20 Кўрсатувлар программаси.
18.25 «Юз йиллар ошса кўприклар». Ҳужжатли фильм.
18.35 «Ашаддий душман». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Ноқоратупроқ дони». Ҳужжатли фильм.
20.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Фестиваль йўлларидан» (такрорий).

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

23 МАЙ. 1985 й.

ЖУМА

24 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
10.05 «Михаил Шолохов». Ҳужжатли фильм.
11.05 ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг духовой оркестри чалади.
12.00 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
15.45 «Рус тили».
16.15 «Москва. Фестиваль».
16.45 «Бу фантастик олам».
18.05 «Қувноқ нотачалар».
18.20 Оғир атлетика бўйича Европа чемпионати. Польшадан олиб кўрсатилади.
18.50 «Сокинликка ишонма». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
19.55 «Дон қиссаси». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Биргалашиб қўшиқ куйлайлик, дўстлар»:
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Идеалга яқинлашув». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 География. 8-синф. Урта Осиё иқтисодий райони.
10.05, 13.10 Инглиз тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Совет ишчиси.
11.35 12.35 Музика. 1-синф Симфоник оркестр чолғулари. 2-кўрсатув.
12.05 Илмий-оммабоп фильмлар: «Қайноқ электронлар сири», Авача вулқони».
13.40 Умумий биология. Сунъий ва табиий танланиш.
14.10 И. В. Гёте. «Фауст». 9-синф.
14.40 Физика. Энергиянинг сақланиш қонуни.
15.10 Л. Н. Толстой драматургияси. 1-кўрсатув.
16.00 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 Ўқитувчига — музика сабоғи. 1-синф. 5-кўрсатув.
19.50 Ритмик гимнастика.
20.20 В. Кунченко куйлайди.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Усимликлар олами».
21.30 «Время».
22.05 «Юқори проба». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
23.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Черноморец» — «Спартак».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Бахтли бўлай десанг». Телевизион бадиий фильм.
11.30 Рус адабиёти А. С. Пушкин ҳаёти саҳнафалари. Болдино (рус.).
12.00 «Омад тақаси». Телефильм.
12.30 Жамиятшунослик. КПСС — совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Мўми-долга куз келди». Мультфильм.
18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Солдат қалби». Адабий композиция.
19.00 Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига. «Мусобақа— омма ижоди». (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Катталар учун мультфильм.
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот»
20.50 «Инсон ва қонун».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғалабамиз баҳори». Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган байрам кўрсатуви (9 майдаги кўрсатув такрорланади).
23.40 Янгиликлар..

● ЎзТВ II

18.20 Кўрсатувлар программаси.
18.25 «Довюрак». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Махсус цех». Телефильм.
20.30 Рус тили— мактабгача ёшдаги болаларга. Мактабгача болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатишда оила билан олиб бориладиган ишлар.
21.00 «Кириши». Телефильм.

«ТАШОБУВЬТОРГ»НИНГ 23-МАГАЗИНИДА **29 МАЙГАЧА** ЁЗ ФАСЛИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЭРКАКЛАР ОЁҚ КИЙИМЛАРИНИНГ САВДО-ҚЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Савдо-кўргазмасида республика пойабзал корхоналарида тайёрланган сандалетлар ва тренинглар (кросовкалар) **СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН**

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 43-уй.

«ТАШОБУВЬТОРГ». Телефон 48-04-97).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (45-37-27).

«УЗОРГТЕХСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ БОСМАХОНАСИ

буюртмачи ёки босмахона материалидан гувоҳномалар, удостоверениялар, пропускалар тайёрлаб бериш учун

ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: 700100, Тошкент шаҳри, 100-алоқа бўлими, Краснодон кўчаси, 31«а»-уй. Телефон 55-38-01.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/V да **Пётр Биринчи**, 24/V да **Малика Аҳмедованинг ижодий кечаси.**

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —**СССР халқ артисти Оскал-оол раҳбарлигида совет цирки артистларининг томошалари** (19.30).

кино

23 МАЙДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Чайка** (18.30, 21.00; телефон 77-06-20), **Нукус** (18.30, 20.45; телефон 46-70-69).

«СОЯГА ТУРМУШГА ЧИҚДИМ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ЖАННАТДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА» — **Тинчлик** (тоқ соатларда).

«БЕҒАРАЗ» —**Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01). **Фестиваль** (21.30, телефон 32-78-02).

«ДИСКО РАҚҚОСИ»—**Хива** (21.30).

«УЛЬЗАНА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ПРОХИНДИАДА ЁКИ ТУРГАН ЖОЙДА ЮГУРИШ» —**Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«СЕВГИ АФСОНАСИ» — **С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

24 МАЙДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» —**Чайка** (16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30 20.45; телефон 46-70-69), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«ҚАДРДОН УМРАО» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 13.15, 16, 18.15 20.30; телефон 33-44-52).

«ВАЗИЯТГА ҚАРАБ ИШ ТУТ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда; телефон 96-34-02).

«БЕҒАРАЗ» — **Фестиваль** (21.30), телефон 32-78-02).

«ДИСКО РАҚҚОСИ» —**Хива** (21.30).

«ПРОХИНДИАДА ЁКИ ТУРГАН ЖОЙДА ЮГУРИШ» **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92). **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«АБДУЛЛА»— **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 2-МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

28 июнь соат 14.00 дан 17.00 гача

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

МАКТАБЛАР Н И Н Г ЎҚУВЧИЛАРИ (10-синфлар) ВА ОТА-ОНАЛАР, ШУНИНГДЕК ИЛГАРИ МАКТАБЛАРНИ БИТИРИБ, ЭНДИЛИКДА МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА КИРИШ ИСТАГИДА БЎЛГАН ҚИЗЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.

Ўқувчилар кабинетлар ва лабораториялар ишлари, бўлғуси касб—умумий профилдаги медицина ҳамширалиги ва болалар даволаш муассасалари медицина ҳамширалиги билан танишадилар.

Адрес: 700096, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 12-уй (34, 70-автобуслар, 2, 6, 12-троллейбуслар; 4, 9, 11-трамвайларнинг «Спорт молларн» магазини бекати).

Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, жамоатчилик ташкилотлари ва бошлангич таълим методикаси факультети коллективи ўқитувчи Ю. Миртурсуновага онаси, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер

Жамила КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02: бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.

Р—12271.